



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (13.621)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда визани расмийлаштиришни назарда тутадиган инновацион гоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиакатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

2. 2018 йил 10 февралдан бошлаб фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига тақдир қилаётган юридик ёки jismoniy шахсининг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилиниши ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш

куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни назарда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинадиган мамлакатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлдан бошлаб электрон кириш визаларини бериш тизими ишга туширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази" ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий PR-маркази" ДУК этиб қайта ташкил этилсин, унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишнинг ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилсин.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2018 – 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда республикада турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини янгилаш ҳисобга олинган ҳолда аҳоли пунктларини шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар тизими асосда амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида республиканинг 96 та шаҳри ва 87 та шаҳар посёлкаси бош режалар билан таъминланди, 550 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларига эга.

Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда республика миқтоқларида истиқболли ва иқтисодий самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этишда уларнинг фаол иштироки этишини таъминлаш мақсадида 26 та етакчи лойиҳа-қидирув ташкилоти ҳамда "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУКнинг 12 та филиали ташкил этилган.

Бирок шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан етарли таъминланмаганлиги уларни режалаштириш, ижтимоий-маданий ва ишлаб чиқариш йўналишидаги объектларни оқилона жойлаштириш, ривожлантиришнинг қисқа

муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга тўққинлик қилувчи омил бўлиб қолмоқда. Жумладан, 23 та шаҳар ва 994 та шаҳар посёлкаларини, шу жумладан, қисқа муддатли даврда республиканинг 138 та шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларини бош режалар билан таъминлаш талаб этилади.

Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг илғор инновацион дастурий ечимлар ва замонавий ахборот базаси билан жиҳозланиши ҳамон етарли эмас, илғор хорижий тажриба султ жорий этилмоқда, тармоқ учун зарур малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш етарли даражада амалга оширилмапти, бу, шубҳасиз, лойиҳа маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, улар билан аҳоли пунктларини ўз вақтида қамраб олишни таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш ва олий таълим муассасалари томонидан шаҳарсозлик соҳаси мутахассислари тайёрлаш сифатини ошириш борасида шаҳарсозлик соҳасидаги ишларнинг ҳолатини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

(Давоми 3-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Президентимизнинг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуроли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ҳарбий хизматга қақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

• Сирдарё туманида барпо этилаётган ипак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган "Агроглобал" масъулияти чекланган жамияти заводи биноси пойдеворига тамал тоши қўйилди. Бу ерда пиллага ишлов беришдан тортиб, экспорт учун ипак мато ва кийим-кечак ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ амалга оширилади. Биринчи босқичда "ноль" харид қийматида олинган собиқ 2513-автобаза биносини мослаштириб, тубдан қайта таъмирлаш, Хитойдан пиллани қайта ишлайдиган технологиялар келтириб ўрнатиш, 4 цех ташкил қилиш режалаштирилган.

• Тахтақўпри тумани "Қараой" овул фуқаролар йиғини ҳудудида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Agro kompleks Karakalpakstan" Ўзбекистон – Америка қўша корхонаси қурилиши бошланди. Умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларидан иборат мазкур лойиҳага 700 минг доллар хорижий инвестиция киритилиши режалаштирилган. Лойиҳа икки босқичдан иборат: 1-босқичда хориждан 700 бош насли қорамол, 2-босқичда эса 2000 бош насли қўй келтирилади.

## ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Балтимор шаҳридаги Жон Хопкинс номли клиникада ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида саратоннинг саккизта турини эрта босқичда аниқлаш усули ишлаб чиқилди.

• Франциянинг "ПСЖ" футбол клуби раҳбарияти бразилиялик ҳужумчи Неймар ва Испаниянинг "Реал" командаси етакчиси Криштиану Роналдунинг мавсум якунида ўзаро алмаштирилиши ҳақидаги хабарларга ўз муносабатини билдириб ўтди. Бу бунинг иложи йўқлигини таъкидлади. Гап шундаки, аввалроқ мадридликлар Неймарни қўлга киритиш учун Роналдуни Париж клубига қўшиб бериш ниятида экани ҳақида хабар тарқалганди.

• Афина университети олимлари 9 минг йил муқаддам яшаган қадимги аёл суяғидан унинг юз қиёфасини тиклашга муваффақ бўлди. Энг қадимги аёл юзини акс эттириш жараёнида эндокринолог, ортопед, невролог, патологоанатом ва рентгенолог каби мутахассислар иштирок этди. Улар математик алгоритмлардан фойдаланиб, компьютер томографияси, 3D принтер ёрдамида дастлаб аёлнинг гавда тузилишини, кейин юз қиёфасини "қизди". Унинг қиёфаси ҳозирги одамларникига деярли ўхшаш бўлса-да, ёноқ ва ияк суякларини кенг тузилишга эга. Радиоуглеродли таҳлил натижалари аёл суяғи мезолит даврига мансублигини кўрсатди. Бу давр тарихда инсоният цивилизациясининг бошланиш палласи деб белгиланади.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг фикр ва тақлифлари инобатга олинган ҳолда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларига ўз хошияга мос тарзда мактабларнинг 10-синфида ёки академик лицей ва коллежларда ўқишни давом эттириш имконияти яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 январдаги тегишли қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, жумладан, ихтисослаштирилган санъат ва маданият, олимпия заҳиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилади.

11 йиллик таълимнинг жорий этилиши муносабати билан Халқ таълими вазирлиги томонидан олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, ота-оналар фикрига таянган ҳолда 10-11-синфлар учун 12 та умумтаълим фанлари бўйича ўқув режалари қайтадан ишлаб чиқилиб, уларга қатор ўзгаришлар киритилди. Фан дастурига асосида 10-синф ўқувчиларига умумтаълим фанларидан 18 номдаги дарсликлар 7 тилда жами 9 миллиондан ортиқ тиражда чоп этилди ва жойларга етказилди.

Умумий ўрта таълим масканлари 10-11-синф ўқувчиларининг таълим олиши билан бирга уларга касб ўргатиш мақсадида жойларда ўқув ишлаб чиқариш мажмуаларининг фаолияти кенг йўлга қўйилди. Мазкур мажмуаларда 50 дан ортиқ касбни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 11-синфдан бошлаб эса касб таълими орқали фан сирларини ўргатиш билан бирга "Тадбиркорлик асослари" хунари ҳам ўқитилади.

Касблар рўйхати ҳудудларнинг шароитлари ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда мутасаддилар, иш берувчи ташкилотлар мутахассислари билан биргаликда шакллантирилади. Мажмуаларда касблар мураккаблигига қараб 1 ёки 2 йил давомида ўргатилади ва мەҳнат бозорига эҳтиёжга асосан ўзгариши туради.

10-11-синф ўқувчиларига ҳафтага 1 кун 6 соатдан 2 йил давомида касбий таълим берилади. Битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат билан бирга касб малакаси бўйича давлат намунасидаги диплом топширилади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг касбларга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида мактабларнинг 1-синфидан бошлаб касбга йўналтириш ишлари олиб борилади. 8-9-синфларда эса касбларга йўналтириш алоҳида фан сифатида ўқитилади.

2017/2018 ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан танланган 28 та ўқув ишлаб чиқариш мажмуасида 9-синф ўқувчиларига касб ўргатиш ишлари тажриба-синов тарзида олиб борилаётган. Унинг натижалари асосида келгусида касб ўргатиш сирларини мактабларнинг 9-синфларидан бошлаш қўзда тутилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширишга оид Давлат дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вазирлик томонидан таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Унга қўра, илғор хорижий тажрибалар ва ўқитишнинг инновацион методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳолда 11-синфлар учун 20 номдаги 9,7 миллион тираждаги дарсликлар яратилади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

ЎзА

## ДЕПУТАТЛАР ҚАРОРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор қарорлари ижроси бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 31 январдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ахборот берилди. Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси мутахассисларининг маълумотларига қўра, ўтган йили пойтахтимиздаги 2 минг 411 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига 55 миллиард 566 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган.

Шунингдек, тижорат банклари вакиллари томонидан хонадонларга бориб, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича қилинган ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Президентимизнинг 2016 йил 15 сентябрдаги "2016-2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори асосида Тошкент шаҳрида қишлоқ аҳоли ишлари сарҳисоб қилинди. Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотларига қўра, 2018 йил январь ойи ҳолатига пойтахтимиздаги 151 та корхона чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Ушбу корхоналар томонидан 2017 йилда 145 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат

мулки объектларини сотишни жаддалаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида Тошкент шаҳрида фойдаланилмай турган ва қурилиши тугалланмаган давлат объектлари хатловдан ўтказилди. Хатлов жараёнида аниқланган бўш турган йирик объектлар бўйича кичик саноат зоналари ташкил қилиш учун тақлифлар тайёрланди.

Йиғилишда Президентимизнинг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Н.НАСРИЕВ

## ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ: ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Қонунларни қўллашда юзага келаётган муаммоларни чуқур илмий таҳлил қилиш, илғор хорижий давлатлар қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий ўрганиш асосида қонунчилигимизни такомиллаштириш билан шуғулланадиган мазкур институтнинг сиёсий партиялар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, ҳужжатда ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегияси доирасида тайёрланган қонун лойиҳаларининг экспертлар

ҳамда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этилишини таъминлаш, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга келишилган. Ҳужжат партия фаолиятида қонунчилик муаммолари ва уларни бартараф этиш бўйича аҳоли ва электрратнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини ўрганиш, қонун лойиҳаларини аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиш ва илмий экспертизадан ўтказишда қўл келади.

Тадбирда ушбу ҳамкорлик меморандуми тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли Ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

М.КОСИМОВА, ЎзА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА  
ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

2018 йил 1 мартга қадар "Миллий PR-маркази" ДУК учун замонавий ва юқори технологик суратга олиш ускуналари, автотранспорт воситалари, шу жумладан юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган автотранспорт воситаларини сотиб олишни ўз ичига олувчи зарурий моддий-техник базаси яратилишини, шунингдек, ижара тўловсиз зарурий хоналар ажратилишини;

2018 йил 1 апрелга қадар ижодий ва суратга олиш гуруҳларини, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш йўли билан шакллантиришни, шунингдек, уларни таъминлаш ва моддий рағбатлантириш учун зарурий маблағлар ажратилишини;

шакллантирилган ижодий ва суратга олиш гуруҳларининг сценарийлар ва суратга олиш ишлари концепциясини ишлаб чиқиш, республика ҳудудларига ижодий экспедициялар ва хизмат сафарлари, шунингдек, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича материалларни тайёрлайдиган бошқа ижодий гуруҳлар фаолиятини доимий асосда, шу жумладан аутсорсинг орқали молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг куйидаги аҳоли қатламлари учун республика ҳудудлари бўйлаб туризм-экскурсия турлари ташкил этилишини кўзда тутувчи "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги тақлифи маъқулласин:

таълим муассасалари ўқувчилари учун – таътил даври ва дам олиш кунларида;

ташкilotлар ходимлари учун – дам олиш кунларида, умуммиллий байрамлар ва таътил кунларида, айниқса, туризм мавсуми сўст даврда; аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун – санаторий-курортларда дам олишдан фол фойдаланган ҳолда йил давомида;

кексалар, ёш оилавлар, фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари учун – туризм мавсуми сўст даврда.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

бир ой муддатда Дастурни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмакла-

шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда туризм хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг сифат, хавфсизлик ва нархларнинг рақобатбардошлиги мезонларидан келиб чиқиб Дастурда иштирок этиш ҳамда уларнинг Дастурни амалга ошириш доирасида ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини белгиласин;

2018 йилнинг 1 мартга қадар ўзининг расмий веб-сайтида Дастурда иштирок этиш шартлари, туризм-экскурсия дастурларини ташкил этиш механизми ҳақидаги, ҳамкор ташкилотчилар ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатлари ҳамда бошқа зарурий маълумотларни жойлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг тузилган халқаро шартномаларини мазкур Фармоннинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқишини таъминласин.

8. Куйидагилар:

а) асосий фаолият тури тематик хибонлар хизматларини ташкил қилиш бўлган юридик шахсларни улар томонидан тематик хибонлар фойдаланишига топширилган кундан эътиборан 3 йил муддатга – юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан;

б) тематик хибонлар, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини 2022 йилнинг 1 январига қадар – белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра тематик хибонлар, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини куриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, курилиш ва бошқа материалларни олиб кириш учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари);

в) туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларини 2022 йил 1 январига қадар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган: ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташига мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситалари; дор (осма) йўллари, тоғ-чанги кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар ва иншоотларни куриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, азростатлар (хаво шарлари), мотор қайиқ ва квадроцикллар учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинб, лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун двигател хажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган олиб кириладиган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат рақами сериясини татиқ этган ҳолда

ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига фойдаланиш шarti билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорда бож тўловларини тўлашга рўхсат этилсин.

10. Белгилансинки:

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн брон (банд) қилиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа солинадиган базаси электрон хизматларни, жумладан, электрон тўловлар, брон (банд) қилиш, эквайринг ва бошқа хизматларни, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини тақлиф қилувчи ихтисослаштирилган интернет-сайтлар ва порталларни йўлга қўйишга йўналтирилган харажатлар миқдорига камайтирилади;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаган ҳолда тегишли сифатдаги улашишни таъминлашлари лозим;

ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудларини (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базаси, шу жумладан ягона солиқ тўлови бўйича базаси тегишли сифатдаги симсиз улашиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган харажатлар миқдорига камайтирилади;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бундай ҳудудларни ташкил этган жойларда 18 кв.м.дан ортиқ бўлмаган ўлчамда реклама баннери ёки ромларини ўрнатиш ҳуқуқи бегараз асосда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рўхсатларини олмадан тақдим этилади;

Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудларида (Wi-Fi) тақдим этиладиган хизматлар сифатини назорат қилиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

11. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг меҳмонхоналари, туташ йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини куриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиясини очиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси икки ой муддатда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига куйидаги шартларда кредитлар ажратилиши учун уларга кредит линияларини очсин:

меҳмонхоналар ва туташ йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмалари объектлари учун импорт ускуналар ва технологияларни харид қилиш учун кредит муддати 15 йилни (имтиёзли давр – 5 йил) ташкил қилади. Мақсадли кредит линиясининг маблағлари ҳисобига битта миқоз учун ажратилмаган кредит ҳажми лойиҳа кийматиининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

кредитлар ваколатли тижорат банкларининг инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг иқтисодий ва молиявий мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ижобий қарорлари асосида берилди. Бунда, бир қарз олувчига берилмаган кредит миқдори битта инвестиция лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ долларидан ошмаслиги лозим.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Dunyo bo'ylab" телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмни ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказилмаган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича бош ахборот ҳамқори сифатида белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кунлик муддатда мазкур Фармонни ҳисобга олган ҳолда кириш туризмни ривожлантириш, ички туризмнинг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ваколатлари ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармон билан мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир – Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари С.Р.Холмуродов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 3 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ  
САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА  
ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси бой маънавий-маданий меросга, турли-туман тарихий-археологик объектларга, қўлай табиий-иклим шароитига ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга бўлиб, бу эса туризмнинг турли шакллари билан ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратди.

Қисқа вақт ичида республикада туристик соҳани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ўз навбатида туризм соҳасидаги янги давлат сиёсати асос бўлди, туризм соҳасидаги субъектларга аҳамиятли тарзда солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлари берди.

Шу билан бир қаторда, соҳада бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги, шу жумладан хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари секин олиб борилаётганлиги, улар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, бой ички ва зиёрат туризмлари салоҳиятидан сўст фойдаланилганлиги, инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар секин жалб этилаётганлиги сабабли туризм инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари етарлича татиқ этилмаётганлиги соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Қайд этиб ўтилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонда Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар хаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Европа иттифоқи, Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг, ҳамда Ҳиндистон Республикаси, Канада, Янги Зеландия, Америка Қўшма Штатлари каби 39 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига тақлиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахсининг мувожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш кўни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш кўни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутидиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби киритилди.

Мамлакатнинг туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича ишларни янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази" ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий PR-маркази" ДУК сифатида қайта ташкил этилди ҳамда унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, 2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамла-

катлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилди.

Фармон қабул қилиниши билан республикада "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" номи остида мамлакат бўйлаб таништирув саёҳатлари ва турларини ташкиллаштиришнинг кенг миқдосли дастури ишга туширилган ҳамда кундан кунга миллионга яқин фуқароларимиз, шу жумладан ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишчилар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўладилар.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхоналар, улар бўйидаги йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини куриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун туризм соҳаси тадбиркорлик субъектларига кредит маблағларини ажратиш мақсадида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит линияларини очиш назарда тутилган.

Асосий фаолияти тематик хибонлар хизматларини ташкиллаштиришдан иборат бўлган юридик шахслар тематик истироҳат богларини фойдаланишга топшириш сано-сидан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғини ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, тематик хибонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларини куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун тематик хибонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларини томонидан 2022 йил 1 январгача олиб кириладиган жиҳозлар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва захира қисмлари ва курилиш материаллари ва Ўзбекистон Респуб-

ликасида ишлаб чиқарилаётган бошқа материаллар божхона тўловларидан озод этилади.

Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари республика ҳудудига олиб кириладиган туристик тоифадаги транспорт воситалари ҳамда канат йўли, тоғ-чанги кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа шунга ўхшаш объект ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун жиҳозлар, механизмлар ва захира қисмлари, шунингдек, хаво шарлари, азростатлар, квадроцикллар ва моторли қайиқлар учун 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод этилади.

Фармон билан Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун олиб кириладиган двигател хажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат рақами сериясини татиқ этган ҳолда ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига фойдаланиш шarti билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорда бож тўловларини тўлашга рўхсат этилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини туризм соҳасига жадал татиқ этиш мақсадида Фармон билан куйидагилар назарда тутилган:

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн бронлаш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга электрон тўловлар, бронлаш, эквайринг ва бошқа электрон хизматларни татиқ қилиш, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини тақлиф қилувчи ихтисослаштирилган интернет-сайтлар

ва порталларни йўлга қўйишни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларини тақдим қилиш;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудлари (Wi-Fi) билан жиҳозланган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаш билан биргаликда тегишли сифатдаги улашишни таъминлаш бўйича мажбурият қўйилди;

ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудларини (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли сифатдаги симсиз улашиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

Интернет тармоғига симсиз бепул улашиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бундай ҳудудлар ташкил этилган жойда бегараз асосда 18 кв.м.дан ортиқ бўлмаган майдондаги реклама баннери ёки ромларини ўрнатиш ҳуқуқини тақдим этиш.

Туну-кун намойиш этиладиган "Dunyo bo'ylab" телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмни ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан қўриқланадиган табиат ҳудудларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказилмаган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича ахборот ҳамқори сифатида белгиланди.

Фармонда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ички ва зиёрат туризмларини жадал ривожлантириш ва уларнинг бой салоҳиятидан халқ томонлама фойдаланиш учун янада қўлай шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ2018 – 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш,  
лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида  
мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

## 1. Қуйидагилар:

2018 – 2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, шунингдек, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг таъминлаш шартлари 1-иловага мувофиқ;

2018 – 2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 2а ва 2б-иловаларга мувофиқ;

2018-2019 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 3-иловага мувофиқ;

ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг таъминлаш шартлари уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ маъмурий-ҳудудий бўлиқларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг белгиланган чегаралари ва тўлиқ ҳариталар асосида 2019 йил 1 февралгача бўлган муддатда 2020 – 2022 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури тайёрлашнинг ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига юклансин.

## 4. Қуйидагилар:

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК<sup>1</sup> шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

“ТошкентбошланЛИТИ” ДУК – Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ – қишлоқ жойларда қишлоқлар, овуллар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ва улар таркибида батафсил ре-

жалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия хариталарини ишлаб чиқувчи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2946-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари – лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқувчилар;

“ЎзГАШКЛИТИ” ДУК – топография-геодезия ишларини ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-геология қидирувларини ижро этувчи этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили Давлат бюджетини ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Давлат дастури лойиҳаларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштиришга белгиланган тартибда зарур маблағларни назарда тутсинлар.

## 6. Белгилаб қўйилсинки:

лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари, қандаш кўра, энг яхши тақлифларни танлаб олиш асосида аниқланган ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиши керак;

минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган аҳоли пунктларининг бош режалари фақат тегишли равишда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК ва “ТошкентбошланЛИТИ” ДУКнинг бош лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан келишилган кейин тасдиқлансин керак;

Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ҳамда бошқа шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан тузилган лицензия битимлари асосида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига лицензия олинмасдан ҳорижий лойиҳа-қидирув ташкилотлари танлов асосида жалб этилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги “Архитектура-режалаштириш бюроси” давлат унитар корхоналари тасдиқланган бош режаларга эга бўлган аҳоли пунктларининг майдони ўн гектардан ортиқ бўлмаган ҳудудларда уларнинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ва қишлоқ лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳақлидир.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2а-иловага мувофиқ 2018 – 2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш дастури ва 2б-иловага мувофиқ 2018 – 2022 йилларда республика шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури ва улар таркибида батафсил ре-

ишлаб чиқиш дастури доирасида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича потенциал лойиҳа-қидирув ташкилотлари 2018 йил февраль ойи мобайнида белгиланишини, шунингдек, келгуси йилларда кўрсатиб ўтилган дастурларнинг параметрларини тайёрлаш доирасида ҳар йили:

1 декабр гача – энг яхши тақлифларни танлаб олиш асосида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-қидирув ташкилотлари белгиланишини;

1 январь гача – шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг тасдиқланган маъмурий ва титул рўйхатлари тасдиқланганини, кейинчалик лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан шартномалар тузилишини;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошкентбошланЛИТИ” ДУК ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК ва минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларда назарда тутилган муддатларда шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари ҳамда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошкентбошланЛИТИ” ДУК ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ билан биргаликда шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини қуришда уларга риоя этилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг мунтазам равишда мониторингини олиб бориш, кейинчалик мониторинг натижаларини ҳар бир йил якунида бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

олий таълим муассасалари базасида мутахассис архитектурлар, лойиҳалаштирувчилар ва қурувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш ташкил этилишини назарда тутган ҳолда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошкентбошланЛИТИ” ДУК, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ ва минтақавий лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифати оширилишини таъминласин;

уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилманинг намунавий лойиҳалари асосида шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини қуришда тегишли аҳоли пунктларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига ва зарурат бўлганда уларга белгиланган тартибда киритилган тузатишларга қатъий мувофиқ равишда қурилишини;

минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни режалаштиришда ва ҳудудларни қуришда шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида белгиланган тартибда:

икки ой муддатда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошкентбошланЛИТИ” ДУК ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари тузилмасига ҳудудларни режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳамж-режалаштириш жиҳатидан лойиҳалаштириш назарда тутовчи ўзгаришлар киритилишини;

лойиҳа-ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари орасида тегишли долзарб ахборотни тезликда ва кенг қўламли тарқатиш имконини берувчи замонавий техник даражадаги ахборот-таҳлилий база ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳалаштириш, қурилиш жараёнида ташкил этиш ва бошқаришни янги усуллари, шунингдек, илғор қурилиш технологияларини жорий этиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида архитектура соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига ҳар томонлама кўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

таълимнинг янги талаб этилган йўналишлари (қуришда маркетинг, қурилиш менежмент ва бошқалар) бўйича қурилиш тармоғида юзага келган кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабр гача таълимнинг ушбу йўналишларини очиб ва бўлажак ўқув йилида улар бўйича қабул квоталарини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ягона шаклларга мувофиқ аниқланган эҳтиёжлар бўйича асосланган тақлифларни киритсинлар;

тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш учун тизимли асосда тажриба алмашишни ва мақсадли тажриба орттиришни ташкил этиш учун ҳар йили 1 декабр гача етакчи ихтисосли хорижий олий таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқиши ва тасдиқланганини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқнинг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Рамамов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2018 йил 2 февральЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “2018 – 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан  
таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида  
мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада шаҳарсозликни такомиллаштириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Замонавий ижтимоий объектлар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминланган ҳолда аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш, арзон ва айна вақтда қулай ҳамда шинам уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳақлидир.

Шу билан биргаликда замонавий бинолар, иншоотлар, кўп функцияли комплексларни барпо этишгагина эмас, балки аҳоли пунктларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашувчи янги истироҳат боғлари, хиёбонлар, сув ҳавзалари ва спорт иншоотлари билан биргаликда рекреация зоналарини барпо этишга ва мавҳудларини ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Ривожланишининг бош режаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳудудларни режалар ва бошқича-бошқич қуришнинг асоси ҳисобланади.

Ушбу омил ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги чоралар қўрилди:  
**Биринчидан**, мақсадли давлат дастурларига мувофиқ 96 та шаҳар ва 87 та шаҳар посёлкалари учун бош режалар ишлаб чиқилди ҳамда 550 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари учун ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари тайёрланди;

**Иккинчидан**, бош режаларни сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида республика ҳудудларида кўшимча равишда 26 та етакчи лойиҳа-қидирув ташкилоти ҳамда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” давлат унитар корхонасининг 12 та филиали ташкил этилди, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга жалб этилган бош лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Шу билан биргаликда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идоралар томонидан қўрилган чоралар етар-

ли бўлмаганлиги сабабли 92 та шаҳар, 994 та шаҳар посёлкаси ва 223 та қишлоқ аҳоли яшаш жойлари тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига эга эмас.

Лойиҳа ташкилотларининг замонавий техник воситалар, илғор инновацион дастурий маҳсулотлар ва зарур ахборот базаси билан етарли таъминланмаганлиги лойиҳа маҳсулотининг сифати пайсаяшига ва ишлаб чиқиш муддатлари қўзилишига олиб келмоқда. Хорижий тажрибани ўрганишда ва кадрларни тайёрлаш жараёнида тизим йўқлиги ҳам лойиҳа-қидирув ишларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, улар билан аҳоли пунктларини ўз вақтида қамраб олиш учун шарт-шароитлар яратилиши, лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари томонидан архитектуралар, қурувчилар ва тармоқнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 – 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда қуйидаги чоралар назарда тутилган:

**Биринчи** – 2018 – 2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурлари, 2018 – 2019 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури ҳамда ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар тасдиқланди;

**Иккинчи** – 2018-2022 йиллар даврида 23

та шаҳар ва 115 та шаҳар посёлкаси бош режалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятларида 55 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши белгиланди;

**Учинчи** – шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш ва ўз вақтида ишлаб чиқиш мақсадида ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларидан Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига олиб берилди;

**Тўртинчи** – ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” давлат унитар корхонаси ва “ТошкентбошланЛИТИ” давлат унитар корхонаси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2946-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқишга жалб этилиши керак. Шу билан биргаликда “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖга қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан биргаликда қўшимча батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия хариталарини ишлаб чиқиш юкланмоқда;

**Бешинчи** – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига, шунингдек, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрларида тегишли маблағлар ажратилишини назарда тутиб ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга оширишни молиялаштиришга ҳар йили зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш юкланди;

**Олтинчи** – шаҳарсозлик ҳужжатларини

ишлаб чиқишга тор доирадаги республиканинг лойиҳа ташкилотларига монопол ҳуқуқ берилиши амалиётдан воз кечиш мақсадида қарор билан биринчи марта Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ҳамда бошқа шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишга хорижий лойиҳа-қидирув ташкилотларини танлов асосида жалб этиш назарда тутилмоқда;

**Еттинчи** – лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига икки ой муддатда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошкентбошланЛИТИ” ДУК ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари тузилмасига ҳудудларни режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳамж-режалаштириш жиҳатидан лойиҳалаштириш назарда тутовчи долзарб ўзгаришлар киритилишини, шунингдек лойиҳа-ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари орасида тегишли долзарб ахборотни тезликда ва кенг қўламли тарқатиш имконини берувчи замонавий техник даражадаги ахборот-таҳлилий база ташкил этилишини таъминлаш вазифаси қўйилди;

**Сайқилинчи** – илғор хорижий тажрибани синчилаб ва тизимли ўрганмасдан ҳеч бири соҳада илғор технологияларни жорий этишдан реал натижаларга эришиб бўлмаганини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига архитектура соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига ҳар томонлама кўмаклашиш топширилди;

**Тўққизинчи** – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лигига тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш учун тизимли асосда тажриба алмашишни ва мақсадли тажриба орттиришни ташкил этиш учун ҳар йили 1 декабр гача етакчи ихтисосли хорижий олий таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқиши ва тасдиқланганини таъминлаш топширилди;

**Ўнинчи** – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълимнинг янги талаб этилган йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабр гача таълимнинг ушбу йўналишларини очиб ва бўлажак ўқув йилида улар бўйича қабул квоталарини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ягона шаклларга мувофиқ аниқланган эҳтиёжлар бўйича асосланган тақлифларни киритиш вазифаси қўйилди.

Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар шаҳарсозлик соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник базани такомиллаштиришга йўналтирилган чораларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурлари тасдиқлангани кичка муддатда барча шаҳарларни, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ ҳудудларининг бир қисминини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш имконини бериб, бу эса аҳоли пунктларининг қиёфасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади, кўчаларни ва бошқа ҳудудларни тартибсиз ва ўзбошимчилик билан қуриш ҳолатларининг олдини олади, яъни аҳолининг қулай яшashi даражасини оширишга кўмаклашади.

Аҳоли ҳаёт фаолияти учун қулай муҳит яратиш, ишлаб чиқиш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаси ривожланган обод аҳоли пунктларини барпо этиш янги шаҳарсозлик сиебати амалга оширилишининг натижаси бўлиши керак.



Замонавий билимларга эга иқтидорли ёшлар — юрт келажаги



"101"

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ!

Фарзандларимиз бизнинг келажагимиз. Уларни Ва- танимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб ка- мол топишига ота-оналар етук жавобгар.

Хонадонларда ёнгин хавфини келтириб чиқарувчи омиллар кўп бўлиб, табиийки, улардан асосийси маст ҳолда сигарета чекиш, носоз электр ва газ мослама- ларидан фойдаланиш, болаларнинг назоратсиз қол- дирилиб, гугурт ўйнашлари саналади.

Сайидаъло УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенат биносини муҳофазат қилувчи ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси кичик инспектори, сафдор

Хозирги кунда саноат корхоналарида ёнгин хавфининг камайиши борасида ижобий ишлар амалга оширилиб, ёнгин киши хавфи камайитрилган ва бутунлай хавф- сиз ишлайдиган электр ускуналар, ўт ўчиришнинг механизацияланган ва автоматлашган тизимлари то- бора кенгрок қўлланилмоқда.

Бахтиёр ХОШИМОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Спорт янгиликлари

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ: ЯНГИ МАРРА, ВАЗИФА ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Халқаро пресс-клуб сессиясида жорий йилнинг 9-27 январь кунлари Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган Оснё чемпионатида ғолиб бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари таассуротлари билан ўртоқлашилди, ўзбек футбол олдидagi янги вазифалар муҳокама этилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Равшан Ҳайдаров, ФИФА рефери Равшан Эрматов, футболчилар Забиҳулло Ўринбоев, Рустам Ашурматов, Андрей Сидоров ва Жавоҳир Сидиков Президентимизнинг футболга қаратаётган юксак эътибори бугун ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш устида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бўлгуси халқаро олимпиада ўйинлари ва бошқа нуфузли мусобақаларга тайёргарлик ишларига бутунлай янги аҳамият берилди.

Футболдаги бу каби ислохларнинг дастлабки намои-

иши 23 ёшгача бўлган футболчиларимизнинг тарихий ғалабаси бўлди.

Бугун биз ғалаба қозондик. Бу, албатта, барчамиз учун қувончли воқеа бўлди, дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори З.Ўринбоев. — Ўз навбатида, олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Ютуқларимиздан ҳаволалиб кетмасдан, келгуси нуфузли халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўрамиз. Ишонимизки, халқимизга ҳали кўп ғалабалар тақдим этамиз.

Бош мураббий Р.Ҳайдаров журналистларнинг юртимизда футболни ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари ҳақидаги саволларига жавоб берди.

Юртимиздаги барча ёш умидли футболчиларни "Бунёдкор" ёки "Пахтакор" академияларига олиб келишнинг имкони йўқ. Шу боис, ҳудудий марказлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу Германия усули. Бир вақтлар немис футболда сувайиш кузатишганда улар ҳудудий футбол мар-

казлари тузиб, уларда турли мусобақалар ўтказган, ҳудудий терма жамоалар тузган ва энг яхши футболчиларни асосий терма жамоага жалб қилган. Шунингдек, жойларда ёшлар билан ишлайдиган мураббийлар савиясини кўтаришимиз керак. Тўғри, ривожланиш тенденциясининг қайси бир жиҳатларини Германиядан ўрганиш мумкин, лекин бизнинг ўйин ўзимизга хос менталитет билан ривожланиши керак. Дунёга "Ўзбек футбол" иборасини олиб чиқишимиз зарур, — деди Р.Ҳайдаров.

Халқаро пресс-клуб сессиясида УФА вакиллари, мураббийлар, экспертлар Ўзбекистонда футбол ривожланишига янги босқичга ўтаётгани, келгуси нуфузли мусобақаларда ғалаба қозониш омили эса ёш ва истеъдодли футболчиларни кашф қилиш, уларга шариот, имконият яратиб бериш, қалбида ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлаш эканини қайд этди.

У.АСРОРОВ

Жорий йилги мавсумга пойтахт жамоалари жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

МАВСУМГА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА

Амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Локомотив" футболчилари 5 февралга қадар Туркиянинг Белешахрида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишади. Машғулотлар доирасида

темирийўлчилар Россия, Арманистон клубларига қарши уюштирилган назорат-ўртоқлик учрашувларида омадларини синаб кўришлари режалаштирилган. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"ЛОКОМОТИВ" ТАРКИБИНИ КУЧАЙТИРДИ

Янги мавсумга тайёргарлик жараёнини давом эттираётган Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси сафида бир қатор футболчилар кўриқдан ўтаётгани ҳақида хабар берган эдик.

Куни кеча "Локомотив" мана шундай футболчилардан яна икки нафари билан шартнома тўзди. Булар — Жанубий корейлик ҳужумчи Чо Сук Жаэ ҳамда бразилиялик ярим ҳимоячи Нивалдо Родригес Феррейра.

руссиянинг "Динамо Брест" жамоаси аъзоси эди. У фаолияти давомидида Бразилиянинг "Барауна", Россиянинг "Сибирь", "Луч Энергия" ва Белоруссиянинг "Гомель" каби жамоалари сафида фаолият олиб борган.

Бразилиялик Нивалдо эса 29 ёшда бўлиб, у бунга қадар Бело-

Ботир ХЎЖАЕВ

ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Республикамизда тамаки маҳсулотларига акциз маркаларини қўллаш шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатишда, шунингдек, мазкур товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд четдан ноқонуний равишда олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудида олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий марказлаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқланади.

Шунга қарамасдан тамаки маҳсулотларини республикамизга ноқонуний равишда олиб киришга бўлган уринишлар учраб турибди. Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Бошпочтамп" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан АҚШдан фуқаро А.Розиков (мақоладаги барча исми-шарифлар ўзгартрилган) номига келган почта жўнатмаси ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда 200 қути "Parliament" ва 130 қути "Malboro" номли сигаретлар, 1640 дона турли хил сақичлар борлиги маълум бўлди. Шу тариха қонун-

бузар почта жўнатмаси орқали умумий қиймати салкам 40 млн. сўмлик сигарет ва сақичларни олиб киришга уринган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 186-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, иш ҳужжатлари тегишли тергов органига юборилган.

Шунингдек, ушбу пост ходимлари хориждан курьерлик хизмати орқали келтирилган почта жўнатмаларини ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказишганида СН 23 халқаро почта декларацияларида кўрсатилмаган умумий қиймати салкам 13 млн. сўмни ташкил этувчи 30 донга яқин техника воситалари борлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан вақтинча олиб қўйилган товарлар Яшнобод туман маъмурий суди қарорига асосан давлат эгаллигига ўтказилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ноқонуний хатти-ҳаракатлар эртами кечми албатта фош бўлади.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Тошшаҳарнур" ДУКга тегишли Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уй манзилида сақланётган, мулклар қўйилмоқда. 1. 11 метр ўлчамдаги А-3 электр столбалар (ишлатилган) 33 донга ҳар бирининг нархи — 1 381 727 сўм. Жами бошлангич баҳоси — 45 596 991 сўм. 2. 1 дон "Демекурезация УРЛ-2М" қирлимаси. Бошлангич баҳоси — 278 825 000 сўм.

Савдога "Тошшаҳарнур" ДУКга тегишли Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уй манзилида сақланётган, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган "Дамас" русумли давлат рақами 01/804ХВА, ҳолати соз бошлангич баҳоси — 21 459 000 сўм. 2. 1997 йилда ишлаб чиқарилган "Дамас" русумли давлат рақами 01/803ХВА, ҳолати соз бошлангич баҳоси — 21 586 000 сўм. 3. 1992 йилда ишлаб чиқарилган "Газ-2410" русумли давлат рақами 01/811ХВА, ҳолати носоз бошлангич баҳоси — 11 232 000 сўм. 4. 2003 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли давлат рақами 01/259ХВА, ҳолати соз бошлангич баҳоси — 30 798 000 сўм. 5. 2004 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли давлат рақами 01/788ХВА, ҳолати соз бошлангич баҳоси — 30 430 000 сўм. 6. 2004 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли давлат рақами 01/790ХВА, ҳолати соз бошлангич баҳоси — 31 277 000 сўм. 7. 1998 йилда ишлаб чиқарилган "Тико" русумли давлат рақами 01/801ХВА, ҳолати соз бошлангич баҳоси — 13 217 000 сўм.

Аукцион 2018 йил 15 март соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2018 йил 13 март кuni соат 18:00 гача. Автотранспорт воситалари 15 март кuni сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2018 йил 28 март, 5, 12, 19 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2018 йил 5 апрелдаги савдо учун 3 апрель кuni, 12 апрелдаги савдо учун 10 апрель кuni, 19 апрелдаги савдо учун 17 апрель кuni соат 18:00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакилар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулкнинг бошлангич баҳоси 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "ЯММ" МЧЖнинг ХАТБ "Давр Банки" Олماзор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй, 228-79-52.

Гувоҳнома №001805

Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 139-уйда жойлашган жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди биносига берилган № 1727419-1-282-сонли кадастр ҳужжати ва унга тегишли ТВ № 003142 серияли гувоҳномаси ҳамда Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай МФЙ, Зебунисо кўчаси, 10-уйда жойлашган жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди биносига берилган № 11-05-03-01-04-0287-сонли кадастр ҳужжати ва унга тегишли ТА № 0530731 серияли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини томонидан 1993 йилда Исмаилова Зилола Сулаймановна номига берилган ФВ № 983610 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бектемир тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 09.12.2016 йилдаги № 001920-02 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ММД MOBILE SERVICE" МЧЖ (ИНН 304466460) таъсисчсининг 5.02.2018 йилдаги №2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99899 833-38-80

Яккасарой туманидаги 59-оилавий поликлиника-ни умумий суммаси 100.000.000 млн. сўмлик жорий таъмирлаш, том қисминини проф настилга алмаштириш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Таклифлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 10 кун мuddат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Ш.Руставели кўчаси, 75а-уй. Тел: 253-06-16, 253-08-19.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 7 февраль кuni ҳаво ўзгариш турдаи, ёнғингарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида теринди ва сақлаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 10877 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бoш мухрир Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпирилди: 15.00